

ВАТТЕ Ва МИЖОЗ

Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришга махсус ишлаб чиқилган дастурлар йўналтирилган. Ва республикамизнинг банк тизими уни ҳаётга тадбиқ этишнинг бош йўлларидан бири ҳисобланади.

Бизнинг «Узсанкурбанк»нинг Тошкент минтақавий филиалининг бошлиғи Шухрат Абдуқодиров билан суҳбатимиз банкнинг ана шу йўналишдаги фаолияти хусусида бўлди.

— Шухрат Обиджонович, маълумки «Узсанкурбанк» универсал банк сифатида халқ хўжалигининг дەرви барча тармоқларига хизмат кўрсатади. Айтингчи, бунда миқозлар — кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг улуси қандай?

— «Узсанкурбанк»нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий филиали амалга ошириладиган янгиланишларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади ва катта даражада давлат дастурларининг инвестори ҳисобланган ҳолда ўз фаолиятини ишлаб чиқаришга йўналтирган тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланишини қўллаб-қувватлашга ҳам муҳим эътибор қаратади.

Филиалимиз таркибидан 15 та туман филиаллари ва операцияларни амалга оширувчи бўлим мавжуд бўлиб, улар 5503 та фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатади. Бу миқозларимизнинг яримдан кўпini ташкил этади ва уларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

— Тадбиркорларни қандай жалб этайсизлар?

— Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит қўллаб-қувватлов, ҳисобкитобларни ўз вақтида амалга оширишда ҳар томонлама қўмаклашish, лойиҳаларни уларни кредитлаштириш мақсадида тайёрлаш ва бу ишда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд ва бошқа бюджетдан ташқари фондлар билан ҳамкорлик қилган ҳолда фаолият кўрсатяпмиз.

Тадбиркорлар билан ишлашда банк бўлимлари банк ҳисоби-китоби хизмати кўрсатишнинг содда-лаштирилган тартибига амал қилдирилган. Масалан, ҳозирги вақтда ҳисоб рақамини очишга ариза берилган, туман ҳокимликларидан тасдиқланган давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар топширилган кундан бошлаб узони билан уч иш кунига бўлган муддатдан ошмаган ҳолда ҳисоб рақамини очилади. Хизмат кўрсатиш чоғида банк статистика, ДСИ томонидан белги-ланган ҳужжатлардан ташқари бошқа ортиқча ҳисобларни талаб қилмайди.

Ҳар бир бўлимда масла-



Тадбиркорга мададкормиз



хатлар сектори ишлайди. Ма-лакали мутахассислар ишонч телефонларида навбатчилик қилиб, хусусий тадбиркорлар фаолиятини қийинлаштирувчи барча масалалар юзасида амалий учрашувлар, семинарлар ташкил этаюзи ва уларда янги ишлаб чиқариш нукталарини ривожлантиришга қўмаклашishi, аҳолига турли хил хизматлар кўрсатиш, истеъмолчилар учун зарур бўлган махсулотларни ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни кенгайтириш юзаси-дан ёрдам беришни таклиф қиламиз.

— Тадбиркорларга кредит бериш дастури қандай амалга оширилмоқда?

— Жорий йилда тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш юзасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида салмоқли натижаларга эришилди. Берилган кредитлар ишлаб чиқариладиган махсулот ва кўрсатилмаётган хизматлар ҳажмларининг оширилишига, 800 дан ортиқ қўшимча иш ўринларининг ташкил этилишига имкон берди.

Банкимиз томонидан амалга ошириладиган кредит сие-сати халқ хўжалигининг турли тармоқларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш-ни ташкил этишга йўл очди. Тадбиркорларга кредит бе-

ва масалага оқилона ёндош-маган ҳолда кредитларнинг ажратилиши нафақат кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига ёрдам бермайди, балки маблағларнинг беҳуда соверишишга ҳам олиб келиши мумкин.

Бинобарин, шуни ҳам ай-тиш кераки, кредит ресур-сларининг мавжуд бўлишига қарамастан ҳали лозим даражада ишлаб чиқарувчилардан аризалар келиб тушма-япти.

Республикамиз Президен-тининг «Банк тизимини яна-да эркинлаштириш ва ислохот килиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонида му-вофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарор асосида имти-ёзли кредитлаштириш фон-дининг ташкил этилиши тад-биркорлик тузилмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча омил бўлди. Жорий йилнинг бошидан буён 404, 193 миллион сўм миқдорда шакллантирилган ушбу фонд маблағлари ҳисобига 494,6 миллион сўмлик кредитлар берилди.

Тадбиркорлик тузилмалари-нинг молиявий ресурсларга эга бўлишининг механиз-млари такомиллашib бор-моқда. Саноат-қурилиш бан-кининг Тошкент шаҳар бўли-ми ва унинг филиаллари ҳам ички бозор, ҳам экспортга йўналтирилган янги қизикар-ли лойиҳаларни танлашни амалга оширмоқдалар. Ки-чик ва ўрта бизнес субъект-ларини миллий ва хорижий валютладаги молиялашти-ришининг барча манбалари ҳисобига кичик кредитлар ажратишнинг тартиби ишлаб чиқилди. Хорижий валютада кредитлаштириш учун юқори рентабелли лойиҳаларни танлаб олиш мақсадида «Узсанкурбанк»нинг Тошкент минтақавий филиалида лойиҳавий молиялаштири-шининг янги бўлими тузилди.

Мамлакатда иқтисодий ислохотлар дастурини му-ваффақиятли амалга оши-риш мақсадида Тошкент минтақавий филиали келгу-сидан ҳам иқтисодийнинг ху-сусий лойиҳасига банк ре-сурслари, имтиёзли кредит-лаштириш фонди маблағла-рини инвестиция қилиш ни-ятда. Бунда ҳар бир тадбир-кор шунинг эътиборига ке-ракки, ўз корхонасини таш-кил этиш, унинг муваффақи-ятли фаолият кўрсатиши учун керакли билимлар ва албатта бирламчи сармоғ бўлиши лозим. Мавжуд қонуналарни доимий ўрганиб бориш, бозор талаб-эҳтиёж-ларини билиш, ўз ишдан охи-р-оқибатда фаолиятдан даромад олиш, бозорни зарур махсулот билан тўлдир-иш ва республика доираси-да самара келтириш ҳам жуда муҳим омиллар қатори-га кирди.

— Тадбиркорлар томонидан берилмаётган ҳамма аризалар ҳам қондирила-яптими?

— Албатта ҳаммаси эмас. Бирок кредитлар беришни рад этиш асосан банкка бог-лиқ бўлмаган сабаблар бўй-ича юз берапти. Бунинг ҳар хил сабаблари бор. Шунинг алоҳи-да таъкидлаш жоизки, жуда зарур бўлган бизнес режасиз

«Уз муҳбиримиз СУРАТЛАРДА: омонат кассалари бўлими бош-лиғи М.Каримова ва I тои-фали мутахассис Н.Жўра-ева доимо миқозларга ёр-дам беришга тайёр; носавдо операциялари бўлимининг мутахассис-лари Е.Полянская ва Ж.Хўжаевлар иш устида. Сергей Любич олган суратлар.

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛанади

Маълумки, Ўзбекистон уй-жой коммунал соҳа-сида марказлаштириш-дан чиқариш ва ислохот-лар дастури амалга оши-рилмоқда. У кўп йиллар-га мўлжалланган бўлиб ўз ичига нафақат аҳоли-нинг сув, газ, иссиқлик таъминотини яхшилаш, балки ресурслардан оқилона фойдаланиш, тузилмавий бўлиналари-нинг фаолиятини тако-миллаштириш масалалари-ни ҳам қамраб олади.

Осиё тараққийёт банки томонидан Ўзбекистонга 36 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги заём ажратили-ши маъқулланди. Ушбу маблағлар республикамиз шаҳарларида сув таъмино-тини яхшилаш бўйича лойи-ҳаларни татбиқ этилиши-га йўналтирилади.

Мазкур лойиҳа доираси-да эски инфратузилмани такомиллаштириш, сув таъ-миноти тизимлари бошқа-рувини яхшилаш, улардан тўри фойдаланиш таъ-минлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Осиё тараққийёт банки шунингдек, мутахассислари ўқитиш учун 600 миң АҚШ доллари миқдордаги грантнинг ажратган ҳолда техник қўмак кўрсатади.

Лойиҳанинг амалга оши-рилиши Жиззах, Гулистон, Қарши шаҳарларининг 484 миңдан ортиқ аҳолисини ичимлик суви билан ўз-қу-сиз таъминлаш, сувнинг беҳуда исроф қилинишини камайтириш, тармоққа хиз-мат кўрсатиш самарасини яхшилаш ва энг муҳими — ҳаётбахш сувнинг ҳар бир литри таннархини пасаи-тиришга имкон туғдиради.

Лойиҳага кўра сув таъ-минотини яхшилаш ишда ноҳукумат ва жамоат таш-килотларининг иштироки рағбатлантирилади.

Заём лойиҳа тўла қийма-тининг 55 фоизини қоплай-ди. У беш йиллик имтиёз-ли даврни ҳам ҳисобга ол-ган ҳолда 25 йилга берила-ди. Лойиҳада кўзда тутил-ган барча ишларни 2006 йилнинг декабрида якун-лаш режалаштирилмоқда.

ПУЛЛАРИНГИЗИНИ БАНҚДА САҚЛАНГ

Бугунги кунда республикамиз банкири аҳоли учун турли-туман омонатларни таклиф этмоқда. Уларнинг нақадар фойда-ли эканлигини эса рақам-ларга назар ташласак гу-воҳи бўламиз.

Масалан, тўққиз ой якун-ларига кўра Узсанкурбанк-нинг Тошкент минтақавий филиали бўйича аҳоли омонатларининг қолдиги йил бошига солиштирилганда 1140,4 миллион сўмга ўси-ди ва 1 октябрга келиб 2687,6 миллион сўмни ташкил этди.

Йил бошига таққослаган-да омонатчиларнинг сони 3455 тага ошди.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи ичида банкирлар трю-нидан «Бойчечак», «Янги миңг йиллик», «Муштақил-лик», «Келажак», «Майнинг хизмат тўловига», «Устоз хизмати» каби янги қисқа муддатли омонатлар так-лиф этилди. Омонатларнинг янги турларига 6370,9 мил-лион сўм, шу жумладан нақд пул билан 4852,7 миллион сўмлик маблағ қўйилди. Бу эса умумий қабул қилingan сумманинг 76,1 фоизини ташкил этади.

Бундан ташқари, Узсан-курбанк минтақавий фили-алларининг омонат касса-лари жисмоний шахслар-нинг хорижий валютадаги омонатларини ҳам қабул қилади. 1 октябрга қадар 171 та валюта омонати қўйилди. Бунда 2001 йил-нинг 1 январига таққосла-ганда омонатлар қолдиги 8 баровар ошди, омонатчилар сони эса 120 тага қўшайди.

Эндиликда Узсанкурбанк-нинг омонат кассалари ҳар ойда 3,5 фоиз тўлаган ҳолда 3 ойлик муддатга депозит-ли сертификатларни сотиш билан ҳам шугулланмоқда. 12 ой ичида банкининг депозитли сертификатлари 53,7 миллион сўмлик миқдорда сотилди. Ҳозир улар бўй-ича фоизларни тўлаш иш-лари амалга оширилмоқда.

Тараддуд ниҳоясига етмоқда

ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

Ўлкамизда олтин куз фасли кезмоқ-да. Қишнинг бошланишига ҳам маъ-лум давр қолди, ҳолос. Шу боис ҳам пойтахтимиз аҳолисини шаҳар иқти-содиёт тармоқларининг куз-қиш дав-рига тайёрлаш ишлари қандай амалга ошириладиганлиги қизиқтириши таби-ий. Шу мақсадда Тошкент шаҳар ко-мунал-фойдаланиш бирлашмаси бош директори ўринбосари Иброҳим ХОЛ-МАТОВГА мурожаат этиб, у билан куз-қиш-қиш мавсум тараддуди хусусида суҳбатлашдик.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июндаги «Республика иқтисодиёт тармоқла-рини 2001-2002 йиллар куз-қиш даврига тай-ёрлаш тўғрисида»-ги қарорини бажариш мақ-садида шаҳарда 2001-2002 йил қишолди иш-ларини ўтказиш дастури, ишчи гуруҳининг таркиби ва дастурни бажариш жадваллари тасдиқланган эди. Ушбу дастур ўтган куз-қиш мавсумида аниқланган камчилик ва хато-ларни инобатга олган ҳолда тайёрланди ва амалга оширилмоқда.

Мавсумга тайёргарлик ишлари бошлан-гандан буён шаҳарнинг 19 та штаби ўтқа-зилиб, унда шахримиз туманларининг ко-мунал- фойдаланиш бошқармалари, «То-шиссиқликмарказ» корхонаси, «Тошиссиқ-ликкуввати» ишлаб чиқариш бирлашма-си, «Тошшаҳаргазтаъминот» шўба ко-рхонаси, «Тошшаҳарэлектртармоғи» корхо-наси, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бош бошқармаларидаги ҳозирлик ишлари мун-тазам назорат қилиб борилди.

Оқориди дастулга кўра қозонларнинг техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда 54 та тармоқ насослари таъмирланди, бу-гунгача 11,7 миң тонна мазут ёқилги за-ҳираси жамланди. «Тошиссиқликэлектр-маркази»да шу кунга қадар 4 та қозон ва ТГ—4 турбогенератори тубдан таъмирлан-ди, режадаги 20 та тармоқ ва тўлдирувчи насослардан барчаси таъмирланди. Йил-лик режадаги 1300 тонна ёқилги, 40 тон-на туз, 200 тонна кислота заҳиралари тўлиқ тўлдирилди. «Тошиссиқликкуввати» иш-лаб чиқариш бирлашмасида йиллик ре-жадаги 42 та қозон алмаштирилди, 28 та қозон таъмирланди, бошқа тайёргарлик ишлари ҳам ниҳоясига етмоқда.

Бугунги кунга келиб пойтахтимиздаги 270 та уй-жой мукамал таъмирдан чиқарилди, барча уйларнинг иситиш тизими-лар босим остида ювилди, 8503 та иссиқ-лик бўғинлари жорий таъмирдан чиқарил-ди. Айти кунларда С.Рахимов, М.У-лугбек, Чилонзор туманларида уй-жой-ларни мавсумга тайёрлаш бўйича охириги омушлар бажарилмоқда.

«Тошшаҳаргазтаъминот» шўба корхо-насида 1331 та газ тақсимлаш пунктлари, 65 та юқори босимли газ тақсимлаш пун-ктлари тафтишдан ўтказилди. Йиллик ре-жадаги 12 километр газ қувурлари фой-даланишга топширилди, 9,2 километр газ қувурлари тубдан таъмирланди. «Тошша-ҳарэлектртармоғи» корхонаси ҳамда «Сув-соз» давлат унитар корхонасида ҳам ре-жада белгиланган ишлар ниҳоясига ет-моқда.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида 332 та бинонинг иссиқлик тизими босим о-стида ювилди ва 263 та иссиқлик бўғини жорий таъмирланди, 12 та соғлиқни сақ-лаш муассасаси тубдан таъмирланди.

Мактаб ва мактабгача тарбия муасса-саларидан 1016 та бинонинг иссиқлик ти-зими мавсумга тахт, режадаги 112 та мак-таб ва болалар богчаси тубдан таъмир-ланган.

Ободонлаштириш бош бошқармаси то-монидан марказий кўчаларни жорий таъ-мирлаш ишларига алоҳида эътибор қар-атилди, автомашиналар тайёргарлиги олиб борилмоқда. «Тошшаҳарйўловчитаранс» давлат уюшмасида эса бугунги кунга келиб 2140 та транспорт воситалари мав-сумга тайёр ҳолатда.

— Иброҳим Набиевич, албатта амал-га оширган ишларимиз, ютуқларимиз ўзимизники. Лекин яқинда Халқ депу-татлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Пре-зидентимиз ўз нутқларида пойтахти-миздаги кузги-қиш мавсумга тай-ёргарлик ишларидаги камчиликлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

— Ҳар бир кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун қўшимча чора-тадбирлар режасини иш-лаб чиқдик ва туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда жадваллар тузилиб, амалий омушлар олиб борилмоқда. 2 кун мобай-нида пойтахтимиздаги 9080 та кўп қават-ли турар жой бинолари яна бир бор кўздан кеңирилди, қишга тайёргарлик ишлари на-зорат қилинди. Бу ишга 300 нафардан зиёд кишини жалб этдик ва топилган кам-чиликларни тугатиш юзасида маъсۇл шахслар белгиланди. Шу нарса аён бўлди-ки, амалга оширган ишларимиз билан бирга хали олдимизда уй-жой мулкдор-лари ширкатлари билан биргаликда ба-жарилиши лозим бўлган омушларимиз талайгина экан. Ҳозирда бундан тўғри ху-лоса чиқариб, уйларнинг ертўлаларидаги камчиликлар тугатилмоқда, уй йўлак-ларига эшик ва ойналар ўрнатиш ишлари давом этмоқда. Президентимиз алоҳида таъкидлаганлиқдек, ўтган йилги қиш мав-сумига Чилонзор ва Акмал Икромов ту-манларидаги уйларда муаммолар пайдо бўлган эди. Ана шундан хулоса чиқариб жорий йилда Чилонзор туманидаги 5-Ис-сиқлик марказига қўшимча битта қозон қўйилди ва айти дамда у ишга тушиш арафасида. Шунингдек, Қорасув мавзе-сида жойлашган 2-Иссиқлик марказидаги 2 та қозон тубдан таъмирланди. Бу, ал-батта юқоридаги туманлар ҳамда Мирзо Улугбек туманида жойлашган уйларни қиш мавсумида иситиш учун яна бир қўлайлик бўлди.

— Шаҳар кенгашининг сессиясида шахримиздаги кўп қаватли уйларнинг 45 фоизи капитал таъмирга муҳто-жлик ҳақида ҳам гапирилди. Бу ҳақда нима дейсиз?

— Тўғри айтилди. Пойтахтимизда бу-гунги кунда 4 миңга кўп қаватли уйлар капитал таъмирга муҳтож. Бу уйлар 1991 йилгача фойдаланишга топширилган би-нолардир. Ана шунинг назарда тутиб 20 йил ва ундан зиёд даврдан буён фойдаланиб келинаётган ушбу уйларни Тошкент ша-ҳар ҳокимининг 2000 йил 21 декабрдаги 714-сонли қарорига асосан 5 йил муддат ичида мукамал таъмирлаш дастури тас-диқланган. Бирлашамиз томонидан ту-ман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда бу уйларнинг титул рўйхатлари тай-ёрланган. Жорий йилда режага кўра 400 та уй мукамал таъмирланиши лозим эди. Шу давргача 270 таси мукамал таъмир-дан чиқди, 84 тасида таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Бу борадаги чора-тад-бирларимизни кучайтиришимиз лозимли-ги ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Кези келганда, кўп қаватли уйларнинг хонадон эгаларига ҳам мурожаат қилмоқ-чиман. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этишдан мақсад мулкка эгалик ҳиссини тўғдиришдир. Шунинг учун ҳам ширкатга аъзо бўлган ҳар бир хонадон эгаси ўз уйларини авайлаб асраса, жи-ҳозлар — яъни йўлақлардаги эшик ва де-разаларга эътиборлироқ бўлса, бунинг ўзлари учун, ўз ҳамёнлари учун фойдали эканини ҳис этса ва энг муҳими коммунал тўловларини ўз вақтида тўлашга риоя қил-са нур устига аъло нур бўлади.

Биз эса юқоридаги дастурда кўзда ту-тилган вазифаларни ўз вақтида адо этар эканмиз, барча саъй-ҳаракатларимизни қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш ишларига сафарбар этишимиз.

Шарифа ИЛЁСОВА сўхбатлади.

ИСЛОХОТЛАР ОЛАМИДА

РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛИ — ЛИЗИНГДА

«Барака» компанияси қурилиш, кўчмас мулк, тиббиёт ва фармацевтика соҳаларини лизинг асо-сида молиялаштиришни амалга ошириш ҳарака-тида. Ушбу йўналиш компания учун янги бўлса-да, унинг кўп соҳалар бўйича ишлаши бунга им-кон бермоқда.

Маълумки, кичик ва ўрта корхоналар, айниқса шу-лардан эндигина ўз фаолиятини бошлаётганларининг кўпинча замонавий технологик асбоб-ускуналарни олиш учун қурби етмайди. Бундай ҳолатда лизинг ва-зиядан чиқишнинг яхши имкони ҳисобланади. Иш-лаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ли-зинг ҳисобига олинган асбоб-анжомлар миқознинг ўзи томонидан танланади ва бу ҳам ижобий ҳолдир.

Компания мутахассислари томонидан амалга оши-риладиган ва маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши сабабли доимий янгиланиб турадиган кенг маълумот-лар базаси лизинг олувчиларнинг турли хил талаб-ларини қондиришга имкон туғдиради ва уларга ўз иш-лаб чиқаришларини ривожлантириш учун замонавий технологиялар ҳамда анжомларни харид қилиш ма-салаларини ҳал этишга ёрдам беради.

«Барака» 1996 йили ташкил этилган Ўзбекистон банклари ассоциациясининг шўба корхонаси ҳисоб-ланади. Компаниянинг Низом жамғармаси шаклланти-рилган ва у 200 миллион сўмни ташкил этади. Ҳамкор-ликдаги фаолиятини амалга ошириш мақсадида «Бара-ка» мамлакатимиздаги бир қатор тижорат банклари, Биз-нес-фонд, республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тад-биркорлар палатаси билан шартномалар тузди. Компа-ния томонидан 200 дан ортиқ лойиҳалар кўриб чиқилиб, умумий миқдори 480 миллион сўм ва 2,9 миллион дол-лардан ортиқ ҳажмда молиялаштирилди.

Унинг энг йирик лойиҳаси — Исроил технологиясига асосланган ҳолда сутни қайта ишлаш бўйича қиймати 3 миллион долларини ташкил этувчи 15 та кичик завод-ларнинг ташкил этиши эди. Ҳозирда барча кичик заводлар ўз фаолиятини бошлади ва тўла лойиҳавий қувватда ишлаяпти.

Бугунги кунга келиб «Барака» Европа лизинг компа-ниялари федерациясининг муҳбир аъзоси бўлди. Шу муносабат билан компания Англия, Чехия, Россия ва бошқа мамлакатлардаги лизинг ассоциациялари ва ком-паниялари билан ҳамкорлик «кўприк»ларини йўлга қўйди.

03-03 ЎТГАНИБ ДОМО БЎЛУР...

КИТОБХОНГА КИТОБ УЛУФ СОВГАДИР...

Равшан опа Шарқ Кўлэмалари фондининг ажойиб хушчақчақ аёлларидан бири эди. Опа бор жойда шодлик, опа бор жойда кулги ва қаҳқаҳа авж оларди.

Ширин сўз давода гўё асалмиш, Асал ширинликда элда масалмиш. Биров кулса сен ҳам куласан ногоҳ, Кулги одамларга юқар касалмиш.

Опанинг ёши мендан анча катта бўлгани учун мен унинг олдида одоб сақлардим. Гапга кўп аралашмас эдим. Опа ҳам менинг ҳаётимни чуқур билмас, хол-ахвол сўрашдан нарига ўтмас эди.

Эркакнинг зийнати поклиги бўлар, Гуноҳдан хавфдаю боклиги бўлар. Аёллар зотиға шафқатда бўлиб, Эл учун ёқаси чоқлиги бўлар.

Бир кунги опа мени хузурига йўқлатибди. Кирдим. Арабча машинкада кўлэма асарларнинг тавсиф ва-рақаларини чоп қилиб ўтирган экан. Олдида катта ҳажмли ва чиройли муқовали бир китоб турарди.

— Шу китобни сотмоқчиман, — деди опа, — хоҳласангиз сиз олинг, бўлмаса, бирорта оладиган одам бўлса, хабарини берсангиз.

Китобни кўлга олиб кўра бошладим. У Турди Муҳаммадохуннинг «Уйғур табобатчилиги қўлланмаси» деган китоби бўлиб, 1975 йили Шинжон халқ на-шриёти томонидан чоп қилинган экан. Жуда қизиқиб қолдим. Ҳаётимнинг анчагина қисми табобат тари-хини ўрганишга бағишлангани учун китоб кўзимга олов бўлиб кўринди ва қонларимни қиздира бо-шладди. Дарҳол нархини сўрадим.

— Икки юз элик сўм, — деди опа.

Бу нархни эшитиб, ҳафсалам пир бўлди. Ўша пайтда оладиган ойлигим бир юз қирқ сўм эди. «Харидор топиб бераман», деб чиқиб кетдим. Тиббий китобларга ўта ўч Аъзам Мирзақаримов деган ота-хон бор эди. Бу отахон Ўзбекистон Фанлар акаде-миясининг Кимё институтида кўп йил ишлаган, ум-рини мўъининг хосиятларини ўрганишга бағишла-ган, ҳозирда меҳнат таътилида бўлиб, даволаш иш-лари билан жиддий шуғулланар эди. Отахонга так-лиф қилдим, жуда қизиқди, бироқ нархи тўғри кел-мади.

Кўлни чўздим, бироқ китобга етмас, Даво топдим, бироқ бетобга етмас. Қўшини қаноти бор, бироқ холи йўқ, Қанча кўп учса-да, офтобга етмас.

1987 йили рангли муқовада, тоза қоғозда, шарқ минiatorлари билан безатилган «Табобат ҳазина-си дурдоналаридан» номли китобим чиқиб қолди. Равшан опа ўша кунлари Қашқарнинг Ўрумчи шаҳ-рига қариндошларини кўргани кетаётган эди. Кито-бимдан барча танишларга, жумладан, опага ҳам совға қилдим.

Меҳнатдан чаққон чустлик ошади, Уйингда бекаму кўстлик ошади. Ҳадисинг хукмича, совға-саломдан, Ўзаро бузилмас дўстлик ошади.

Орадан икки ой ўтган, опа қайтиб келди. Ишга чиққан кун олдимга кирди. Хол-ахвол сўраш-дик. Қўлида ўша сотмоқчи бўлган табобатга оид ки-тоб бор эди.

— Махмуджон, мен сизни кўриб юрар эканман-у, бироқ танимас эканман, сизни Қашқарга бориб, та-ниб келдим, — деди опа ва давом этди: — Шинжон-га бориб, бир танишимизнинг уйига тушдик. Тани-шимнинг эри Халқ табобати марказининг бошлиғи экан. Китобингизни кўрсатдим. «Танишиб чиқай», деди. Шу кун бизни ётиб қолишга мажбур қилди. Эртасига ҳам ўқиди. Яна олиб қолди. Учинчи кунга кенга томон рухсат берди. «Китобни менга совға қилинг», деб ялиниб-ёловди. Бермадим. Сизни роса мақтади. Бу китобни ёзиш учун қанчадан-қанча фор-сий манбаларни кўриб чиқибди, наср билан ёзил-ганларини насрий йўл билан, шеърда ёзилганлари-ни шеърый йўл билан таржима қилибди, мен у одам билан албатта учрашаман, деди. Эрта-кеч овқат ус-тида ўтирганимизда фақат сиз ҳақингизда гапирди. Мен сизни ўша ерда танидим. Мана ўша сотмоқчи бўлган китобни сизга текинга ҳада қилмоқчиман, ўқинг, ёзинг, халққа фойда бўлсин!

Опа шундай деб, китобни кўлимга тутқазди. Китобхонга китоб улуг совгадир, Маъноларга тўла тўлуг совгадир. Унга дуру гавҳар совға қилмагин, Китобхонга китоб кўтлуг совгадир.

Опанинг сўзлари мени қувонтириб юборди. Му-тахассиснинг китобимга берган таърифи мен учун буюк совға эди. Бунинг устига ўзим етолмаган ки-тобнинг кўлимга тегиши хурсандчилик устига хур-сандчилик эди.

Орадан 3-4 ой ўтган, ростдан ҳам Уйғур халқ та-бобати марказининг бошлиғи Тошкентга келди. Мени кидириб институтга келибди. Афсуски мен иш билан Андижонга кетган эдим. Учрашолмагани учун қаттиқ афсусланибди. Бироқ, ярим йилча ўтган, унинг ўғли Тошкентга келди. У ҳам шифокор экан. Отаси-нинг саломини етказди. У билан роса мириқиб сўх-батлашдик ва илмий алоқалар қилиб туришга аҳд-лашдик.

Шерик қилар сени биров нониға, Тўғри келиб қолса жонинг жониға. Хўш кўрмаса сени, буну сездингми, Яқинлашма асло унинг ёниға.

Махмуд ХАСАНИЙ

* Бок — қўрқув.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА Саломатлик асри

Бундан уч йил аввал, Си-ргали туманининг Кўйлик-5-6-7 даҳасида яшаётган аҳоли саломатлигини тик-лаш, оддийгина беморнинг касаллигини аниқлаш учун ҳам етарли шароитга эга эмас эди. Кичкинагина мос-лашмаган бинода жойлаш-ган поликлиника хизмати-дан ҳеч ким қониқмасди. 1998 йилдан эса аҳоли та-лаби қондирилди. Кўйлик-5 даҳасидаги замонавий бо-лалар боғчаси қайтадан таъ-мирланди, катта бунёдкор-лик ишларидан сўнг 50-оилавий шифохона ишга тушди.

Энг муҳими, энди шу ерлик аҳоли ўз саломатлигини тик-лаш учун қулай шароитга эга. Улар учун педиатрия, терапия, гинекология, жарроҳлик хизма-ти, стоматология, физиотера-пия, лаборатория ва тор мута-хассислик бўйича юқори мала-кали тиббиёт ходимлари хиз-мат кўрсатишмоқда. Бундан та-шқари оилавий шифохонада 24 ўринли кундузги стационар ишлаб турибди. Шундан 12 ўрин болалар даволаниши учун мўлжалланган.

Халқимизда касални даво-лашдан кўра, унинг олдини ол-ган афзал, деган гап бор. Дарҳ-ақиқат, мазкур шифохона педи-атрия бўлими бошлиғи Холита Ҳасанова, гинекология бўлими бошлиғи Фарида Эшмухаме-довалар аҳоли ўртасида, болалар ва оналар саломатлиги учун зарур бўлган тушунтириш иш-ларини олиб борадилар. Бу ўз натижасини берапти. Шунин-гдек, фарзандларимизнинг ўз вақтида касалликка қарши эм-ланиши боис юқумли касал-ликларнинг пайдо бўлишига эри-шилди. Бундан ота-оналар мам-нун.

Агар 50-оилавий шифохона ходимларининг юқоридидаги да-ҳаларга ва тумандаги иккита маҳаллада яшовчи 20 мингдан ортқ аҳолига хизмат кўрсати-шини назарда тутса, оилавий шифохона ходимларининг масъ-улиятли вазифаси янада кўри-нади. Шифохонада 25 йилдан буён маҳалла шифокори бўлиб иш-лаб келаётган Гулчехра опа Махмудовани ҳамма ҳурмат қилади. Муштақилгимизнинг ўн йиллиги арафасида Гулчех-ра опа мустақилликнинг 10 йил-лиги кўрақ нишонига сазовор бўлди.

Маълумки, шифохоналарда ўрта тиббиёт ходимлари — ҳамшираларнинг ўрни ҳам кам эмас. Айниқса, уларнинг миждо-ларга хушмуомалалиги ҳар кан-дай касаллигининг енгил кениши-га сабаб бўлади. Шу ўринда шифохонада Раъно Тўрақуллова, Замира Йўлдошева, Маҳсума Ҳакимова каби кўли енгил, ши-ринсўз ҳамширалар бошқалар-га намуна бўлмоқда.

Шифохонага қираверишда «ХХI аср — саломатлик асри» деган шioriға кўзингиз тушади. Бу нафақат шу ерда ишловчи тиббиёт ходимлари, балки ҳам-мамизнинг эзгу мақсадимиздир. Зеро, саломатлик инсон учун бебаҳо бойлиқдир.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, Сирғали тумани, Кўйлик даҳаси.

Дунёда йўқ эди унинг дushmanи, Аммо пинҳон эди дев — Аҳримани Аҳриман дилда поёнсиз хасад, Ёмонликка аста кўтарарди қад.

Ҳа, мазкур жараён ҳар иккала мажмуанинг бош мавзуси бўлиб, ана шу кураш замирида одамзод ҳаёти ётади, янаш учун кураш ни-ҳоятда машаққатли кениб, унинг алчик-чуқуқ-ларийо изгирин жазиралари бўлади. Шаф-қатсиз курашда одамзод тобланиб, ҳаётий таъриба тўплайди, яхши яшашга интилиб, турмушига сайқал беради. Бу мураккаб жа-раён одамзотнинг ақл-идрок билан иш тути-шини тақозо этади. Ана шундай шароитда бани башар таърибаси, у яратган амалий йўриқномалар жуда кўл келади.

Дарҳақиқат, ёвузликдан эзгулик доимо ус-туликка эришган, шунинг учун одамзот тер-тўкиб, фаолият кўрсатади, бунёдкорлик, яра-тувчилик кўйида яшайди.

Биз ушбу мақоламизда «Авесто» ва «Шо-хнома» ўртасидаги муштараклик ҳақида пича мулоҳаза юритдик. Аслида улар ўртасидаги уйғунлик ниҳоятда теран, айни вақтда муай-ян тарбиявий мақсадларга қаратилган. Дуру жаҳоҳирлар бир-бирини тўлдирганидек, ҳар икки дурдона узукка кўздек ярашиб тушган. «Ақл — ақлдан қувват олади» деганларидек, икки маънавий хазина бир-бирини тўлдир-ади, ажиб гулдастага айланганки, у ўз муат-тарликларини оламга тарқатаверади.

Мусулот УСМОНОВ, Тошкент Молия институти профессори.

ларга микроб сут солинадиган идиш, сут идиши ювилмадиган сув, сутга қўшилидиган бошқа маҳсулотлардан, яъни ташқи муҳитдан ўтиши мумкин. Лекин сут маҳсулотларидан таш-қари ўсимлик, мева-сабзавот ва гўшт маҳсулотлари ушбу ин-фекцияни юктирувчи ҳақиқий манбалардир. Мутахассисларнинг фикри-дан иерсин микробнинг тарк-алишида рўзгорда ишлатила-диган музлатиш асосий воси-



Она ва бола, гул билан лола.

Сертификация таълим лабораториялари

Япониянинг «Марубени корпорейшн» фир-миси Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини ривожлантириш ишига ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ушбу нуфузли фирма билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан Тош-кент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳам янги ўқув техникаларига эга бўлди.

Янги ўқув йили олдида замонавий компьютер синф-лари ҳамда аудио-видео техникалари келтирилди. Айни вақтда ипакни ишлаб чиқариш технологияси, трикотаж тайёрлаш техник жараёнлари бўйича маҳсулотларни сер-тификация қилиш учун ҳам техник негиз яратилмоқда. Грант лойиҳасини амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Фақат 2001-2002 ўқув йили давомида олий ўқув юрти ажратилган Япония сармоси ҳисобидан тўқув, йигиртув, тикув машиналари жиҳозларини олади. Тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари сифатини назо-рат қилувчи сертификация лабораториялари ҳам келти-рилди.

КўРГАЗМАЛАР

Қизиқиш катта

Ногирон болалар ижодиёти республика мар-кази кўпгаб ёш истеъодларни ўз атрофиға бир-лаштирган. Бу йил улар учун айниқса, самарали бўлмоқда.

Ўзбекистон Муштақиллигининг ўн йиллигига бағиш-лаб яратилган хайкалча ва картиналар кўргазмаси ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди. Шу иқод намуна-ларидан элликтаси энг яхши экспонат сифатида Миср Араб Республикасига юборилди. Улар бу ерда ташкил этилган болалар ижодиёти халқро кўргазмасидан ўрин олди.

ҲАМКОРЛИК

Халқаро лойиҳа бўйича

Ўзбекистон ва Германия мамлакатлари ўрта-сида тузилган ўзаро молиявий ва техникавий ҳамкорлик шартномасини амалга оширишда республикамиздаги қатор олий ўқув юртлири ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар. Тошкент Автомо-биль йўллари институти олимлари ҳам бу муҳим ишга жиддий киришдилар. Ҳамкорлик жараё-нида юзага келган «Халқаро логистика марка-зи» лойиҳаси доирасида техникавий иждоқор-ликка кўл урилди.

Бундай самарали изланишлар натижаси ўлароқ олий ўқув юртида «Транспорт логистикаси бўйича ҳудудий ўқув маркази»ни тузишга киришилган эди.

Мазкур илм дароҳи янги ўқув йилида бошланган таълимий жараён лойиҳаси устида германиялик мута-хассислар билан бамаълаҳат иш тутган ҳолда фаолият олиб борди.

Ақбар АЛИЕВ



Ёш қаламкашлар тўғарағида машғулот.

Инсоният маънавий дунёсининг сар-чашмаларидан бўлмиш «Авесто» истиқ-лол туфайли ўз юртига, буюк давлат кураётган ватандошларига беназир хизмат қилаверади. «Авесто» илохий китоблардан бири сифатида хали-ҳануз тадқиқотчиларнинг диққат-марказида турибди. Биз Шарқнинг буюк мутафақ-кири Абулқосим Фирдавсий (940-1030) ижодида «Авесто»нинг тутган ўрнига ўқувчиларимиз диққатини тортмоқчи-миз.

Фирдавсийнинг ижодида «Авесто» қаҳра-монлари сероб. Қаюмарс, Жамшид, Аҳура Мазда, Аҳриман қабилар бунга ёрқин мисол бўла олади. Зардуштийлик дини кўптангри-лик ўрнида пайдо бўлиб, бунга худдимиз-даги ўша даврдаги ижтимоий тузум ҳам са-баб бўлган. Дехқончилик сунъий суғоришга асосланганлиги сабабли аҳолининг ўтрокла-шув жараёни кечади. Утрок турмуш тарзи афзаллиги Фирдавсийда шундай қайд эти-лади.

Хар ким экиб топар энди ўз нонин, Кўчманчилик энди қийнамас жонин. Аммо кўптангрилик уруғ, элат, қабилалар ўртасидаги зиддиятларни, қирғинбарот урушларни қуйтириб, аҳолини холдан той-дирган эди. Бу ҳолат ҳам яқтангрилик пай-до бўлишига туртки берган. Пайғамбар Зар-душт (милодгача 589-512 й.й.) бу диннинг байроқдорли бўлиб чиқди. Дехқончилик ма-даниятини эгаллаш аҳдоқларимиз тари-ҳида узоқ давом этган жараён бўлиб, унинг ҳар бир соҳаси ўтмишдошларимиз турмушида ўз ўрнига эга бўлган. Улар табиат устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, катта таъриба тўп-лаганлар.

Ўзи экиб, ўзи пиширар, ўрар, Беминнат, бедақки, ўз кунин кўрар, Бировга қараммас, либос эғнида, Кўнгли тўқ, кулоқ тинч, ханда лабида. Ҳа, «Авесто»ни ўқиганлар бунга тўла ишон ҳосил қилади. Эркин яшаганлари рост, кийим-кечақлари рисоладагидек бўлгани

МОЗИЙ «АВЕСТО» ВА «ШОҲНОМА»

ҳам тўғри. «Кўнгли тўқ»лигига ҳеч ким шубҳ-аланмайди. Оссийшталик, ҳурсандчилик, тин-чилик-омонлик улар турмуш тарзининг асоси-ни ташкил этган. Буларнинг барига аждо-қларимиз соф эътиқод, бутун имон, юксак тартиб-интизом орқали эришган.

Зардуштийлик динида оташпарастлик қучли бўлиб, олов илохийлаштирилган. Олов Кўён-нинг ердаги ўли деб ардоқланган. «Авесто»-да махсус «Кўёш қасидаси»-да бошидан охиригача олов мадҳ этилади, ҳамду сано-лар битилиб, шарафланади. Бу жараён «Шо-хнома»-да ниҳоятда образли ва таъсирли чик-кан. Оловнинг ихтиро этилиши ҳам Қаюмар-сининг набираси Хушанг билан боғлиқ. Мана, эътибор беринг.

Тошдан ҳам чиқарди у оташ — олов Жаҳонга равшаник сочди бу партов! Бу оловмаса, — деди, — худо ҳадаси, Энди шунга бўлсин юрак саждаси. Шундан бери оташ қибласи бўлди, Шуъласидан дилга ёруғлик тўлди. Кеч қирғач ўт ёқиб айлади гулхан Гулхан атрофида аёллар билан. Оташпарастлик дини пайдо бўлишининг бундай гузал таърифи замирини Фирдавсий-нинг «Авесто»га бўлган чекиз эътиборидан излаш жоиз. Аллома донишмандлик намуна-си ҳисобланмиш «Авесто»-га ниҳоятда катта ҳурмат билан қараган.

Фирдавсийнинг бу шеърый дурдонаси соғирдан лол қоламиз, садафдек тизилган маржонларнинг навжидан кўнглимиз тўлиб-тошди. Ундан кейинги сатрлар ҳам майин наволар таратади, дилнингизни яйратиб қал-бингизни мунаварлаштиради.

«Авесто»-да хайонлар кенг мадҳ этилган. Ҳатто новос илохийлаштирилган, сигирнинг сутидан илохий шарбат — хаомони ихтиро қилганлар. Тўя, от, эчки, қобонга аталган ма-дхиялар ҳам бисёр. От тулпор деб эрқалан-са, тўяга «гойат гузал нортўя, улугворлар ўрқарчили, қудратлидор обқлар» деб таъриф берилган.

Фирдавсий Қаюмарсининг набираси Ху-шангини хайонлар ҳимоячиси, уларни кўлга ўргатиб, парварилловчи, деб таърифлайди. Хайвон терисидан кийим-кечак тижилан-лиги ҳақида «Авесто»-да мисоллар жуда кўп. Чаридан кенг қўланда фойдаланганлар.

Кундуз пўстин кийгандир у— Ардвисура — Анахита. Уч юз кундуз терисидан Тикилгандир қачонлардир. Боксан кўзин тиндиргувчи Олтин, кумуш тусда Порлар унинг мўйнаси.

Буларнинг бари аждоқларимизнинг юксак дид, бетакор истеъдодига нишондир. Шoir минг йиллик таърибаларни умум-лаштириб, инсониятнинг яна бир кашфиёти-ни шоҳ сатрларга тизган.

Савсару олмаҳон, тулки териси, Либосга ярайди шундан бериси. Шу зайл жондорлар пўсти шилиниб, Ишга яраб қолди кийим қилиниб. «Авесто»-да газмол, мато асосан жун, ипак, қанопдан тўқилганлиги ҳақида маълумотлар кўп. Кийим-кечак, кўрпа-тўшақ, ёстиқлар, умум-ман, уй жиҳозлари тўғрисида кенг тушунча берилган. «Шоҳнома» ҳам бу ҳаётий жараён-га ўз муносиб баҳосини берган.

Ипақдану жундан, қанопдан газмол Тўқини ихтиро этди у дарҳол. Ип йиғириб қўйиб, ўришу арқоқ, Матолар тўқиндан берди у сабоқ. Бичиб-тиқини ҳам, сувда ювишини, Халқ ундан ўрганди яна кўп ишни.

Илохий китобдаги газмол, мато, кийим-кечак ҳақидаги тафсилотлар билан танишиб, ақлинг шошади. Ана шу кишилар турмушида муҳим роль ўйнаган ҳаётий жараён «Шоҳно-ма»-да ҳам юксак бадий ифодасини топган. Аждоқларимизнинг минг йиллар аввалги их-тиросини олти сатрга жо қилинганлиги — маҳобатли ақл-заковат ва истеъдод самараси-дир.

«Авесто»-да қўшлар ҳам ўзига хос маҳорат билан таранум этилади. Ҳатто баъзи қўшлар-нинг пати илохийлаштирилиб, бало-қазолардан асрагувчи балоғардон деб тасвирланган.

Музлатгичда ҳам бактерия бўлади(ми)?

Кўп асрлардан буён инсон ўзини хар хил юқумли касал-ликлардан химоя қилиш чо-расини кидириб келади. Бу йўлда жуда кўплар дармондорилар ҳамда даволаш усуллари яра-тилган. Афсуски, булар ҳам доим ҳам ёрдам бера олмас-лиги мумкин. Чунки шундай бактерия ва вируслар борки, улар ўзига нуқуллай шароитга ҳам жуда тез мослаша олади. Кейинги йилларда олимлар узоқ йиллар ичак касалликла-рини жиддий ўрганиш жараё-нида авваллари унча хавфли деб ҳисобланмаган бактерия-ни аниқладилар. У ичак иерси-

Фаолиятимиз мезони

Инсон учун яратилган неъматлар орасида электр ва газ маҳсулотлари асосий ўринни эгаллайди. Оғиримизни энгил қилиб қўндалик ҳаётимиз учун зарур қўлайликларни яратиб бераётган бу неъматдан тежаб-тергаб фойдаланиш эса ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз. Шундай экан 2,5 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган шахримизни, хусусан унинг энг катта туманларидан бўлган Юнусободда хонадонларни газ билан таъминлаш қандай йўлга қўйилган? Ойлар бу неъматдан тежаб-тергаб фойдаланишяптими? Мана шундай саволлар билан туманга идораси бошлиғи Фатхулла Иброҳимовга мурожаат қилдик.

— Табиат инъом этган барча неъматлар, хусусан заҳиралар ҳадисиз ҳудудсиз эмас. Ҳаммаси ўлчовли. Илоҳи бориҳа, улардан тежабкорлик билан фойдаланиш керак. Шу ҳақда гап борганда, айниқса электр энергияси, газ ва сув таъминоти ҳақида кўпроқ гапириш лозим бўлади. — дейди Фатхулла Иброҳимов. — Биз газчиларнинг бугунги ва асосий фаолиятимиз шунга қаратилган. Афсуски, жойларда тушунтиришлар олиб боришмизга қарамадан, бу қондага амал қилмаётганлар кўп топилди. Биргина мисол. Яқинда ҳодимларимиз томонидан ўтказилган текширув натижасида туманимиздаги жуда кўп оилалар (албатта, газ ҳисоблагич ўрнатилган хонадонлар бузилишидан) ўз ошхоналарига ўрнатилган газ қурилмаларини кечакундуз ёқиб қолдирганлиги аниқланди. Улар бир донга гугурт чўпини иқтисод қилиш учун шундай йўл тутаётганликларини маълум бўлди. Таққослаб кўринганда, битта чўпининг баҳоси қайда-ю кечаси исроф қилинган газнинг қиймати қанча?

Биз қишлоқ-қировли кўнларни ҳисобга олиб, оилаларни етарли иссиқлик билан таъминлаш учун баъзида белгиланган ортиқча газ бераёلمиз. Буни тушуниб-тушунамай баъзилар мўл-кўл экан деб, газни исроф қилишяпти. Хатто ўзбекистонлик билан тандирга ёки иссиқхонасига газ ўтказиб, ундан истаганча фойдаланаётганлар ҳақида ҳам қатор мисоллар келтиришимиз мумкин. Уйлаймики, улар юқорида айтилганлардан тегишли хулоса чиқариб олишади. Қолаверса, бундайларнинг қилимиши узокқа бормайди. Улар-сергаз назоратчиларимиз томонидан бундай исрофгарчилик учун, албатта, жаримага тортиладилар.

— Туман аҳолисини газ билан таъминлаш ишлари хусусида гаплашсак. — Туманимиз бундан бир неча йил муқаддам тўла галлаштириб бўлинган. Бу, албатта, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва қорхоналарнинг меҳнат унумдорлигига баракали таъсир кўрсатмоқда. Туманда жойлашган барча хонадон ва маиший хизмат кўрсатиш қорхоналари ҳам табиий газ билан тўла таъминланган. Тумандаги 130 та газ тақсимлагич мосламаси уларни назорат қилади ва самарали ишлашни таъминлаб беради. Утган йиллар мобайнида туманда йирик қурилишларнинг амалга оширилиши зиммасига катта масъули-

ят юклди. Юнусободнинг барча маззеларида жуда кўп турар жой бинолари бунёд этилди. Ҳасанбой маззеси ҳам бўйига, ҳам энгига кенгайиб борди. Уларнинг ҳаммасига беминнат хизмат кўрсатиб газ билан таъминланишига ёрдам бердик.

Асосий мақсадимиз ҳудуддаги аҳолини, ташкилот ва қорхоналарни авариясиз, узлуксиз табиий газ билан таъминлаш ва газ асбобларини кўп қаватли уйларида икки йилда бир марта, хусусий хонадонларда эса бир йилда бир марта назоратдан ўтказишдир.

— Ҳозир қиш мавсумига тайёргарлик ишлари авж олган пайт. Туманга жамоаси айни кунларда қишга қандай ҳозирлик кўрмоқда?


— Бу йилги қиш тайёргарлигини эрта бошладик. «Тошгаз» бошқармаси томонидан тасдиқланган режа асосида тайёргарлик март ойидан бошланиши белгилаб қўйилган. Ишчи ва хизматчиларимизни тўрт гуруҳга бўлиб, бу гуруҳларнинг ҳар бирида етарли уста — мутахассис, чилангарлар бўлишини таъминладик. Улар ҳар кун идорага йўғилиб, қилинган ишлар хусусида ахборот беришди. Бажарилган ишлар кўлами аниқланиб, янги вазифалар белгиланади. Қишлоқ-қировли кўнларда газ босимини нормал ҳолатга келтириш, газ тақсимлаш мосламаларини бир-бирига улаш ишларини амалга ошириш тайёргарликнинг асосини ташкил этди. Бундан ташқари чилангарларимиз уйма-уй юриб, ҳар бир хонадонда газдан хавфсиз фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боришди.

— Юқорида айтганингиздек, бугунги кунда пойтахтимизда газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича ўтказилаётган икки ойлик давом этмоқда. Шундай экан ушбу ойликнинг асосий мақсади ҳақида тўхталиб ўтсак.

— Ҳақиқатдан ҳам шахримизда ҳар йили 1 сентябрдан ноябрь ойининг охиригача икки ойлик ўтказиш одат тусига кириб қолган. Бундан қўзланган мақсад аҳолига газдан оқилона фойдаланиш қоидаларини тушунтириш, ўзбошимчилик билан газ асбобларини бир жойдан иккинчи жойга кўчирмаслик ва ниҳоят ёнғин чиқиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдан иборат. Бу тадбирда барча қатори туманга хизматчилари ҳам фаол иштирок этишди. Хусусан, шу кунгача улар аҳоли гажум жойларда, маҳалларда, қорхона ва ташкилотларда кенг жамоатчилик ўрта-эса газдан хавфсиз фойдаланиш мавзусида бир қатор сўхбатлар ўтказишга эришдилар. Туманинг «Олой», «Аҳмад Дониш», «Юнусобод» бозорларида табиий газдан оқилона фойдаланиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ҳақида маърузалар қилинди. Жамоатчилик жойлари ва марказларга газдан тўри фойдаланиш қоидалари ёзилган эълонлар осиб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, икки ойлик давомида ҳар бир хонадон эгаси ва қорхона раҳбариятига табиий газдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш ўз хотиржамлигимиз қафолати эканлигини яна бир бор эслатиб қўйдик.

Махмуд ОРИПОВ



Спортнинг турлари кўп. Биров футбол, яна биров теннис ишқибози. Ҳамшаҳарларимиз орасида сувда сузиш ва карате спортга ҳам бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Дикқатингизга ҳавола этилаётган суратли лавҳаларда ана шундай спорт ишқибозларини машқ ўтказётган пайтда қўриб турибсиз.

Кечаси уйга ширакайф кириб келганимда уйқусираган кўзларини ишқалаб, «Намунча» дея хушламай тикилиб эшик очган хотинимни кўргач, вақт ҳам алмаҳал бўлиб қолганини пайқабман деб бўлдим. «Эмайман!» дедим кескин. Қорин оч бўлса-да, бизда ҳам гурур бор.

Хотиним хўмрайганча ётоққа кириб кетди. Мен эса

римгина хўжатни қўриб қолдим. Қизик бўниса нима экан? Ия, ёзувлари инглизча-ку! Орасида қўлда ёзилган ўзбекчаси ҳам бор. Шошиб ўқидим — хотинимнинг исми-фамилияси дондона қилиб ёзилган. Ёнида эса қандайдир чет эл машинаси марказининг номи, сотилган кўни ва ҳатто ҳарфли-рақамли номерига ҳам ёзилган. Бунга ҳам бир ой бўлай деб қопти. Охирида қандайдир фирманинг муҳри ҳам бор. Во дариг, бу-

буён ўғри мушукдек чурқ этмай, маз қилиб миниб юрса-я! «Права» ни ҳам тўрилаган хойнаҳой. Ахир мошинга пул топган одам «права»га пул топмайди? Қарга қўйди экан? Биринки умумий гараж томондан келатганини кўргандек бўлдим-а. Ҳозирқоқ уйғотиб, энасини Учқўрғондан кўрсатсаммикан? Э ўша, эрини сарик чақага олмай мошин минадиган оймчасатангин... Эси бор одам, ўз қадрини билган одам бундай

ҳам чидай олмайди, ҳозирқоқ орани очик қилиш керак!..

Шартта турдум паркет полни гичирлатиб битта-битта босганча ётоққа кириб бордим.

— Тур! Тур ўринган, — дедим бақириб хотинимни турткилаб, умримда биринчи марта селлаганча. — Гап бор!

— Қанақа гап, беаҳада-да, — хотиним ёқимсиз дўнғиллади. — Ярим тунда маст-аласт келганингиз етмай... Эртага гаплашаримиз.

— Тур дегилман сенга! — хунубим ошиб баттар ўшқирдим. — Ҳозир айтаман! Иссиқда! Айни пайти! Эртага кеч бўлади! Мен ҳам эркакман! Гурурим бор!

Залга чиқиб диванга оғир чўқдим. Ортимдан юз-кўзларидан минг ҳадик билан хотиним кириб келди.

— Мен сенга кимман? — яна ўшқирдим унга қараб. — Айт!

— Болаларимнинг отаси.

— Яна-чи?!

— Эримсиз.

— Буни унутмабсан, ўзбошимча...

— Вой, нима қипман?!

— Тагин сўрайди-я! Одам деган бир иш қилса, аввало, эри билан маслаҳат қилиши керакми? Керак!

Сен эса мошин олганингга бир ой бўлибди-ю уни гажаванг қилиб миниб, яшинча гаражга қўйиб юрибсану менга — эрингга бир оғиз айтмабсан, наморд!

Одам деган ҳам шунақа бўлади? — дея шадқ билан ўрнимдан туриб кетдим.

Хотиним шундангина бир нарсани тушунгандек дам стол устидаги очик-сочик ётган сумкасига, дам унинг ёнидаги машина хўжатига қараб кулиб юборди.

— Вой ўлмасан, ҳаёл қурсин, айтиш эсимдан чиқибди. У-ми? Ахир у — немисларники-ку. «Пфафф Зиггер» — тикув машинаси...

Дивандан қандай шашт билан турган бўлсан шундай ўтириб қолдим. На кулишни биламан, на йиғлашни. Кечирин сўрай десам... Ахир бизда ҳам гурур бор...

Сўнгги гапни дона-дона қилиб хотиним айтди.

— Ўлганингиз яхши бу кунингиздан... Айкаш! Хурмачага сиққанча ичинг-да! Гурури бормиш яна...

Адҳам ДАМИН



Ёзувчи Адҳам Дамин ўз асарлари билан ўқувчиларини топган ижодкор. Унинг турли йилларда «Журбат», «Футболчи», «Мен сизга айтсам», «Бадбодчаси кулганда», «Беғуноҳ севи», «Ҳаёт ва ўлим» каби китоблари чоп этилган.

Бугун ўзининг қутлуғ 50 ёшини нишонлаётган ёзувчимиз бир вақтлар тахриратимизда самарали меҳнат қилган. Ҳамкасбимизни ушбу муборак сана билан қизгин муборакдод этиб, қўйда унинг ҳажвийларидан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БИЗДА ҲАМ ГУРУР БОР

Ҳажвий ҳикоя

секин залга ўтиб диванга ёнбошладим. Ҳадеганда уйку келавермади. Ногаҳон стол устида турган хотинимнинг сумкасига қўзим тушди. Чап елкамга шайтон ўлғур умримда қилмаган ишни қил дейди — сумкани очиб олдим бир титкила, аёл кишининг сумкаси ҳам сир-синоатга тўлиқ ҳазина, дейди. Унг елкамдаги раҳмон фаршаси эса «уят эмасми, кап-катта одам» деб бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Кайф — таранг, уйлардан бошим гаранг, фикрим чалғиб, қай бирга ён бошим билмайман. Охири шайтон вазасаси голиб келди. Шартта сумкани қўлга олиб ялтироқ тугмачасини тордим — «чик» этиб очилди. Сумка кичкинагина бўлса-да, дунёнинг бор хазинаси бор эди унда: узилган тугмачаларми-ей, парча қоғозларга ёзилган телефон рақамларимми-ей, кондуктордан қайтган эски-туски уч сўмлик, беш сўмликларимми... Хуллас, санайверсам вақт етмайди. Бирдан улар орасидан яп-янги, бежи-

қандай гап ахир? Қайта қуриш ўтиб, тижорат замоналари бошланиб, эрни уйда қўйиб ўзга юртларга бориб мўл келтириб, олди-сотти қилиб рўзгор тебратаётган аёллар борлигини биламан, иппадрому метрога кириб-чиқишда маршрутқа ва автотубусга одам чорлаб, бақироқлик ҳунари орқасидан шофёрлардан чўтал олиб оила боқатанларнинг пайдо бўлганини биламан, лекин сира-сира бир уйда туриб, эридан бемаслаҳат мошин олган аёлни энди қўришим. Э дунё-ю қўтри, бир томони чўтри, эр деганининг қадр-қиймати шунчалик бўлди? Бир оғиз индамай, сен ҳам одамсиман дедимай... Бизда ҳам гурур бор!

Тўғри, сиз ҳам ўртоқларингизга ўхшаб қачон машина оласиз, ҳеч бўлмаса, мундоқ эрталаблари ишга шошиб турганимда ташлаб ўтардингиз, деганлари эсимда. Лекин бу ёнга индамай-нетмай... нима қилиш керак бунақа ўзбошимча хотинни? Бесўроқ машина олса-ю, тагин бир ойдан

хотиннинг қовушини бир қундаёқ тўрилаб қўйди. Зўр келса, уч талоқ қўяди-ю «хай-ё, хуй!» деб чопонини мардларча елкага ташлаб, тогу тошларга бош олиб чиқиб кетади. Ахир эр деганининг обрўйи шуми? Менида менсимаса, анави — биридан ширин учбирдай болаларининг ҳурмати учун бир оғиз сўрамайди?

Нафратдан сочларин тика бўлиб, вужудим гажаб ўтибди. Хотиним — минг қўниб, минг суйиб олган хотиним қўзимга ялмоғиз кампирдан-да хунук қўришиб кетди. Даст қўтарилиб балқонча чикдим-да, бирор кунимга яраб деб эски-тускиларнинг ичига яшириб қўйган ишшола қолган юзграм ароқни газаксиз ичиб юбордим. Шундан сўнг дам ўзимга келдим — вужудимдаги нафрат ўрнини ҳўрлик эгаллади. Не-не умидда бир ёстиққа бош қўйган хотиним... Эсиз хотин! Бу шўрини қўрғур эсиз хотинга эр бўлган эсиз — мен! Йўқ, йўқ, бу ҳурматсизликка мен эмас, қўшимнинг мушуги

Марат Хатмуллин эса олий лиганинг «Металлург» жамоалари сафарига ўтишди. Бу эса ҳар иккала жамоада етакчи ўйинчиларни етиштириш ишлари яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Шундай қилиб БУГУН «Пахтакор» Марказий стадионида «Шайхонтоҳур XXI» ва «Студент» жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги учун финал беллашуви бўлиб ўтди. Биз шаҳар спорт кўмитаси ва шаҳар футбол федерацияси ташкилотчилигида уюштирилаётган ушбу байрамона руҳда ўталган ажойиб баҳса барча ишқибозларни тақдир этамиз. Мухлислар ўйиндан олдин ажойиб концерт дастуридан баҳраманд бўлишлари мумкин.

«Студент» ва «Шайхонтоҳур XXI»

моаси устидан бир хил — 1:0 ҳисобларида устун келган «Шайхонтоҳур XXI» жамоалари Тошкент шаҳар ҳокими Кубоғининг финал баҳсида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Энди икки оғиз сўз Кубок учун курашуви энг кучли жамоалар тўғрисида. 1997 йилда ташкил этилган «Шайхонтоҳур» жамоаси бу йил буткул янгиланди. Янги бош мураббий Рустам Ҳамдамов ва жамоа бошлиғи Қархон Расулловлар келганидан сўнг клуб Президенти Мирқомал Одиловнинг оқилона бошқаруви остида «Шайхонтоҳур» ўз номига муносиб XXI аср жамоасига айланди, десак

сор Қархон Аллаевнинг катта эълитори туфайли бош мураббий Василий Шлапов, жамоа бошлиғи Валерий Сидоров бўлган «Студент» умидбахш ва сермахсул ўйин кўрсатган ҳолда II лига турнирида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Жамоани бундай муваффақиятида Зафар Абдуллаев, Бахтиёр Салимов, Мурод Мухамедов каби етакчи ўйинчиларнинг ҳиссаси катта.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги чемпионатнинг биринчи давра якуналарига қўра «Шайхонтоҳур XXI» ўйинчиларидан Альберт Богоўдинов — «Машъал», Тимофей Шабанов — «Академия», «Студент» вакили

Марат Хатмуллин эса олий лиганинг «Металлург» жамоалари сафарига ўтишди. Бу эса ҳар иккала жамоада етакчи ўйинчиларни етиштириш ишлари яхши йўлга қўйилганидан далолат беради.

Шундай қилиб БУГУН «Пахтакор» Марказий стадионида «Шайхонтоҳур XXI» ва «Студент» жамоалари ўртасида Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги учун финал беллашуви бўлиб ўтди. Биз шаҳар спорт кўмитаси ва шаҳар футбол федерацияси ташкилотчилигида уюштирилаётган ушбу байрамона руҳда ўталган ажойиб баҳса барча ишқибозларни тақдир этамиз. Мухлислар ўйиндан олдин ажойиб концерт дастуридан баҳраманд бўлишлари мумкин.

«Шарк» наشريёт-матбаа

акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Энг бой одам ким?

Оламдаги миллиардерлар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда, деб маълумот беради «Форбс» журнали. Журналда ҳар йили миллиардерлар рўйхатини эълон қилиш одати ҳақида айланган.

Ҳозир оламда миллиардерлар сони 470 та бўлиб, улардан 200 тасининг бойлиги 1,1 триллион доллардан иборат экан.

Энг бойлардан бири америкалик «Майкрософт» компаниясининг бошлиғи Билл Гейтс. Унинг шу кунлардаги бойлиги 60 миллиард доллар экан. Бу утган йилга нисбатан 30 миллиард доллардан оз.

«Оракул корпорейшн» компаниясининг асосини ташкил этувчи Ларри Эллисоннинг бойлиги 47 миллиард. У ўтган

БИЛАСИЗМИ?

лиард доллардан иборат. Шунингдек, Бирлашган Араб Амириятидаги шайх Зайед бен Султон 23 миллиард долларга эга. Аваллари оламга бойлиги билан довуруғи кетган Султон Бруней Хасанал Болхиях ҳозир рўйхатда 19-ўринга тушиб қолган. Унинг бойлиги 16 миллиард доллар. Садам Хусейн 7 миллиард доллар билан 55-ўринда туради.

Буюк Британия қиролчаси Елизаветта II атиги 450 миллион долларга эга экан. Бирок, унинг уй жиҳозидаги қимматбаҳо нарсалари ва коллекциялари ҳисобласан, бойлиги 16 миллиард долларни ташкил этаркан.

Қидирбой ТўЛАБОВЕВ

ФУТБОЛ

Мана, олтинчи йилдирки пойтахтда Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи лигасида қатнашувчи ҳаваскорлар командаларини ўртасида футболни ривожлантириш, ёш иқтидорларни кашф этиб олий ва биринчи лига жамоаларига етказиб бериш, умуман, футболни янада оммалаштиришдек хайрли мақсадларни қўзлаган ҳолда футбол бўйича Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги мусобақалари анъанавий тарзда ўтказилиб келмоқда.

Шуни айтиш керакки, 1996 йили илк бор ўтказилган Тошкент шаҳар ҳокими Кубоғида «Трамвайчи» жамоаси голиб чиққан ҳолда махсус кўча Кубок билан тақдирланган. Кейинги йиллар давомида Ҳамза туманининг

«Турон», Шайхонтоҳур туманининг «Шайхонтоҳур-Траст», Республика Ички ишлар вазирлигининг «Академия», Бектемир туманининг «Бектемир» жамоалари кубок соҳиб бўлишган.

Шу йилнинг март ойида нимчорак финал баҳслари билан бошланган 2001 йилги Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги турнирида мамлакат чемпионатининг иккинчи лигасида тўп суратган шахримизнинг ўн та жамоаси голиблик учун кураш олиб борди. Турли сабабларга қўра Бектемир туманининг «Бектемир», Собир Раҳимов туманининг «Истиқлол», Ҳамза туманининг «Турон», Сергели туманининг «Узғариш»

Юнусобод туманининг «Юнусобод» ва Чилонзор туманининг «Чилонзор» жамоасининг ҳоким Кубоги турнирида иштирок эта олмаганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу гап узининг рақиблари — «Тошшаҳарйўловчи» давлат уюшмасининг «Трамвайчи» жамоасини 8:4, Давлат чегараларини қўриқлаш кўмитасининг «Чегарачи» командасини эса 4:1 йирик ҳисобларда енгган Тошкент Давлат техника университетининг «Студент» командаси ҳамда Республика футбол бўйича олий спорт маҳорати мактаби командаси ҳамда шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг «Посбон» жа-

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.